

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**Қўлёзма ҳуқуқида
УДК 657.5(575.1)**

ШЕРМАТОВ БЕҲЗОД ХАЛИМКУЛ ЎҒЛИ

**Миллий иқтисодиётнинг мутаносиблиги ва
барқарорлигини таъминлаш шароитида бухгалтерия ҳисоби
тизимини такомиллаштириш масалалари
(Реал сектор тармоғи корхоналари мисолида)**

5A230901– «Бухгалтерия ҳисоби» (тармоқлар ва соҳалар бўйича)

**Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация**

**Илмий раҳбар:
и.ф.н., проф. Ш.Т. Эргашева**

Тошкент – 2019


Илмий ишда бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари ва уларни молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ёрадамида такомиллаштиришнинг муҳимлиги ҳамда у билан боғлиқ муаммолар ҳақида батафсил маълумотлар берилган. Бундан ташқари, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишнинг ёки уларга уйғун ҳолда миллий стандартларимизни такомиллаштириш йўналишлари кўрсатиб берилган.

This manuscript provides detailed information on the importance of improving the national accounting standards and their compliance with international financial reporting standards and related issues. In addition, it has been pointed out that the transition to international financial reporting standards or to the improvement of our national standards.

Магистрлик диссертация иши “Бухгалтерия ҳисоби” кафедрасида дастлабки ҳимоядан ўтган:

« 15 » - сонли баённома « 30 » 05 2019 йил.

Илмий раҳбар: проф. Ш.Т.Эргашева


имзо

30.05.2019
сана

Магистр: Б.Х.Шерматов


имзо

30.05.2019
сана

“Ҳимояга тавсия этилади”

“Бухгалтерия ҳисоби” кафедраси

муdiri и.ф.д., проф. Р.Холбеков



“28” июнь 2019 йил

Ҳимоя 2019 йил “01” 07 соат 14⁰⁰ да Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бўлиб ўтади.



May 14, 2019

Dear, Ergasheva Shakhlo Turgunovna ¹, Kucharov Abror Sabirjanovich ², Shermatov Behzod Xalimkul o'g'li ³

^{1,2}Phd of Tashkent State University of Economics, Uzbekistan.

³The 2nd year Master degree student of Tashkent State University of Economics, Uzbekistan.

We would like to inform you that your manuscript id AC-FDP982 has been accepted for publication in **Eurasian Journal of Analytical Chemistry (ISSN 1306-3057)**.

TITLE: The Importance Of The Improvement And Convergence Of Ias/Ifrs To The National Accounting System Of Uzbekistan

Thanks for submission of your work with us.

Regards,

Professor Dr. Masline Dalino,

Editor-in-Chief

Eurasian Journal of Analytical Chemistry (ISSN 1306-3057)

Кириш

Мавзунинг асосланиши ва унинг долзарблиги. Мамлакатимизда бухгалтерия ҳисоби ва аудитни халқаро стандартларга мослаштириш бўйича бир қатор ислохатлар амалга оширилиб, бу борада тегишли қонунлар, давлат дастурлари, Президент фармонлари ва қарорлари қабул қилиниб, мамлакатимизда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишда ўзига хос миллий ва иқтисодийга мос йўл танланди. Бу халқаро стандартларга мос келадиган бухгалтерия ҳисоби бўйича миллий стандартларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш йўли бўлиб ҳисобланади. Шу билан бир қаторда корпаратив бошқарувга асосланган акциядорлик жамиятларида халқаро стандартлар асосида молиявий ҳисоботни тузишга ўтилмоқда. Бунга эса бевосита халқаро стандартлар асосида молиявий ҳисоботни тузиш ёки миллий стандартлар асосида тузилган молиявий ҳисоботни халқаро стандартларга трансформация қилиш орқали эришилиши мумкин.

Президентимиз Ш.Мирзиёев фармони билан тасдиқланган “ 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида юртимизда қулай ишбилармонлик ва инвестицион муҳитни яратиш, жаҳон интеграцияси жараёнида фаол иштирок этиш, мамлакатимиз иқтисодиётига хорижий инвесторлар ва тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини жалб қилиш, эркин иқтисодий зоналарни ташкил қилиш, мамлакатимизда жаҳонда умумқабул қилинган замонавий нормалар, стандартлар, шу жумладан молиявий ҳисобот халқаро стандартларини босқичма-босқич жорий қилиш ҳамда бухгалтерия ҳисобини халқаро стандартларга мослаштириш борасида тегишли ишларини амалга ошириш зарурулиги ва аҳамияти алоҳида таъкидлаб ўтилди.¹

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2019-йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар ҳақидаги Олий мажлисга

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.// Халқ сўзи газетаси 2017 йил 8 февраль.